

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик - иқтисодиёт институт

«Тўқимачилик машиналари» кафедраси

**«Технологик машиналар монтажи,
эксплуатацияси ва таъмири»**
фанидан

**МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ**

Наманган 2005 йил

Ушбу маърузалар матни 5520700 «Технологик машина ва жиҳозлар» таълим йўналишида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда «*Технологик машиналар монтажи, эксплуатацияси ва таъмири*» фанидан талабалар ўтилатган мавзулари бўйича маълумотлар оладилар.

Тузувчи:

ката ўқитувчи Х.Х.Қаюмов

Тақризчи:

доцент М.Абдувоҳидов

Мазкур маърузалар матни «Тўқимачилик машиналари» кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган.

Йиғилиш баённомаси № _____. «___» _____ 200__ й.

Институт илмий-услубий Кенгашининг 200__ й. «___» _____ даги мажлисида муҳокама қилинган ва фойдаланишга рухсат этилди.

Баённома рақами _____



МУНДАРИЖА

1-маъруза. Кириш. Тўқимачилик машинлари эксплуатация даврида техник ва таъмирлаш аҳамияти. Техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар.

2-маъруза. Жихозларни техник ҳолати ва уни эксплуатация даврида ўзгартириш. Эксплуатация даврида жихозни техник ҳолатини баҳолаш.

3-маъруза. Машина механизмларидаги ишқаланиш ҳақида тушунча. Ейилиш турлари. Машина техник ҳолатини диагностика усули билан аниқлаш.

4-маъруза. Машина деталларини синиш сабаблари. Конструктив омиллар. Технологик омиллар.

5-маъруза. Мойлаш материаллари. Мойлаш материалларини синфлаш маркалаш ва қўлланиши.

6-маъруза. Металларни коррозияли емирилиши. Коррозияли емирилишга таъсир қилувчи омиллар. Металларни коррозиядан ҳимоялаш усуллари.

7-маъруза. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологияси. Таъмирлаш технологияси ҳақида тушунча. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологик жараёнини принципиал схемаси.

8-маъруза. Машинани буклаш схемаси. Деталларни тозалаш ва ювиш ишларини механизациялаш. Деталларини сортларга ажратиш ва нуқсонларини аниқлаш.

9-маъруза. Машина ва деталларнинг нуқсоларини слесарлик механик аниқлаш усуллари. Деталнинг нуқсонларини слесарлик механик усулларда аниқлаш. Магнитли ультратовуш, люминисцент дефектоскопия усуллари.

10-маъруза. Деталларни қайта тиклаш замонавий усуллари. Пайвандлаш хиллари. Қайта тиклаш янги усуллари.

11-маъруза. Плазмали усулда деталларни қайта тиклаш ва юзаларини пишиқлигини ортириш. Порошок ва сим материал билан плазмали қуйиш усуллари схемаси.

12-маъруза. Деталларни нуқсонларини виброконтант қуйиш усулларида қайта тиклаш. Қуйиш усулини асоси. Ишлатиладиган жихоз қуйиш технологияси ва режими. Виброконтант қуйиш усулини бажаришда ишлатиладиган жихоз.

13-маъруза. Электrolитик (галваник) усулида деталларни қайта тиклаш

14-маъруза. Деталларни электр учқун усулида қайта тиклаш.

15-маъруза. Детал нуқсонларини механик ва пластик деформация усули билан қайта тиклаш.

16-маъруза. Деталларни пайвандлаш усули билан таъмирлаш.

17-маъруза. Деталларни клей ёрдамида таъмирлаш.

18-маъруза. Деталларни таъмирлаш рационал усулини танлаш.

19-маъруза. Вал ва ўқ типдаги деталларни таъмирлаш.

20-маъруза. Тишли ғилдиракли таъмирлаш. Шифрларини таъмирлаш

21-маъруза. Подшипникларни таъмирлаш. Баббит билан таянчларни қайта тиклаш. Шкивларни таъмирлаш.

22-маъруза. Тўқимачилик машиналарини ремонт ишларини ташкил қилиш.

23-маъруза. Тасмали узатмаларнинг ишлаш жараёнлари.

24-маъруза. Тўқимачилик машиналари монажини ташкил қилиш. Юк кўтариш машиналари ва механизмлари.

25-маъруза. Пневмомеханик йиғирув машиналарини таъмирлаш.

26-маъруза. СТБ хилдаги моксиз автоматик тўқув дастгоҳларини таъмирлаш. Валларни ўрнатилиши тасмали узатмаларни йиғиш ўрнатиш ва текшириш

27-маъруза. Валларни ўрнатилиши. Тасмали узатмаларни йиғиш ва ўрнатиш, текшириш.

1-маъруза

Кириш. Тўқимачилик машиналаридан фойдаланиш даврида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни аҳамияти. Техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар.

Режа:

1. Кириш Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни аҳамияти.
2. Техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар.
3. Машинани пухталиқ кўрсаткичлари.

1. Кириш. Тўқимачилик машиналари эсплуатацияси даврида техник хизмат кўрсатиш таъмирлашни аҳамияти. Техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар.

Юқори сифатли ва аҳолини қониқтирадиган махсулот ишлаб чиқариш учун иқтисодиёт тармоқларини темпларини ва эффективлигини ошириш талаб қилинади. Бу масалаларни ечишда илмий техник прогресини ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш, замонавий жиҳозларни ўрнатиш, ҳосил қилинган ишлаб-чиқариш потенциалидан тула фойдаланиш, хужалиқни бошқариш механизмларини қайта куриб чиқиш талаб қилинади.

Ишлаб-чиқариш корхоналари эффективлиги асосан жиҳозларни техник ҳолатига боғлиқ. жиҳозларни ишга яроқлиқ ҳолатини саклаб туриш учун ҳар бир корхонада режали олдиндан таъмирлаш системаси ташкил қилинган.

Бу система жиҳозларни хилига, моделига қараб олиб бориладиган ремонтларни ва техник хизмат кўрсатишларни режалаштиради.

Жиҳозларни узоқ муддат ишлаш қобилияти ва ишончи кичик бўлганлиги сабабли таъмир ҳамиша анча юқори. Тўқимачилик корхоналарида жиҳозлар икки уч марта бир йилда ўрта ремонтдан утади, тўртдан бир қисми капитал ремонтдан утади.

Бундай ремонтларни ўтказиш учун кўп вақт ва кўп ҳар хил турдаги эҳтиёж қисмлар, конструкцион материаллар, асбоб усқунлар сарфланади. Таъмир ишларида сваршиқлар, темирчилар, станокчилар, слесарлар ва бошқа касбга эга бўлган ишчилар жалб қилинади.

Таъмир ишларида марказий ёки цех устахоналари эҳтиёт қисмларни тайёрловчи заводлар иштирок этади. Жиҳозларга хизмат кўрсатиш учун катта штат ишчилар боғланади, (мойловчи, тозаловчи, слесарь, электрик ва бошқалар) жиҳозларни ремонт ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш мақсадида замонавий таъмирлаш технологиясидан кенг фойдаланиш талаб қилинади. Тўқимачилик корхоналарини тармоқларида жудаям кўп турдаги жиҳозлар урнатилган лекин таъмирлаш ишларини олиб бориш ва ташкил қилиш технологияларини асоси бир хил.

2. Машиналарни техник ҳолатини кўрсатувчи параметрлар.

Буларга иш унуми (производительность) махсулот сифати (машинада ишлаб чиқарилаётган):

- Машинада сарф булаётган кувват;
- Машина ишлашининг аниқлиги;
- Мустахкамлик;
- бирлик ва бошқалар.

Бу параметрлар машиналарнинг техник хужжатларида кўрсатилган даражада булиши керак. Машиналарни эксплуатация қилиш давомида уларнинг параметрлари ўзгариб боради. Агар асосий параметрлар рухсат этилган чегарадан четга чиқса, машинанинг ҳолатини ишга яроқсиз ҳолат дейилади.

2. Машиналарнинг ишончилиги ва кулга чидамлилигини белгиловчи асосий тушунчалар ГОСТ 27002-83 га асосан ишончилик деганда машинанинг маълум вақт давомида, унга қўйилган функция (вазифа)ларни белгиланган режим ва шароитда, барча параметрлари бўйича четга чиқмаган ҳолатда бажара олиш тушунилади. (Агар техник қаров, ремонтлар, сақлаш, ва ташиш ишлари уз вақтида сифатли бажарилмай келинган бўлса)

Ишга яроқчилик - бу машинанинг шундай ҳолатини унда машина нормал эксплуатация шароитида узига қўйилган функцияларни тула туқис бажара олади. Ишга яроқчилик ҳолатининг бузилиши ишламай қолишлик (отказ) дейилади.

Ишончилиكنи қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди:

- бузилмай ишлашлийлик (безотказность)
- кулга чидамчилик (долговечность)
- ремонтга яроқчилик (ремонтпригодность)
- сақланувчанлик (сохраняемость)

Машиналарнинг ишга яроқчи ҳолатини маълум муддатлар ичида сақлаб қола олиши уларнинг бузилмай ишлашлик ҳолати дейилади.

Бу ҳолат белгилайдиган кўрсаткичларнинг бири Иш муддати (наработка) машина бажарган ишларнинг ҳажми еки ишлаб турган вақти иш муддати дейилади. У машиналарининг эксплуатация қилиш даврида суткалик, ойлик иш муддати еки биринчи ишламай қолишликгача иш муддати, ишламай қолишликлар оралигидаги иш муддати каби қисмларга бўлиниши мумкин.

Машинанинг техник хужжатларида берилган чегаравий ҳолатигача ишга яроқчилик ҳолатини сақлай олиши, унинг кулга чидамлилиги дейилади. Кулга чидамчилиكنи белгиловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- ресурс бу машинанинг техник хужжатларида белгиланган чегаравий ҳолатгача ишлаш муддати. Ресурс бир неча хил булиши мумкин:

- ўртача ресурс;
- белгиланган ресурс;
- Гамма процентли ресурс;
- кодлик ресурс;

- хизмат муддати, бу машинанинг чегаравий ҳолатига кадар эксплуатация қилинган календар давридир. Биринчи капитал еки ўрта

ремонтга қадар хизмат муддати еки ремонтлараро хизмат муддати каби хиллари бор.

Ресурс ва хизмат муддати бир хил маънога эга бўлсада улар орасида фарқ бор. Хизмат муддати-календар эксплуатация қилиш даври: ресурс ва чегаравий ҳолатгача иш муддати. Бир хил ресурсга эга бўлган машинанинг хизмат муддати ҳар хил бўлиши мумкин.

Машинанинг ишламай қолишлигини олдини олишга еки бартараф этишга, ремонт қилиш йўли билан ҳар хил шикастлар содир бўлишини олдини олишга мосланганлик хусусияти ремонтга яроклилик хусусияти дейилади. Унинг кўрсаткичлари қуйидагилардир:

қайта тиклашнинг ўртача вақти:

белгитланган вақтда ремонт қилиш эҳтимоли:

техник хизмат кўрсатишга кетган ўртача сарф:

Машинанинг сақлаш ва ташиш давларида бузилмай ишлашлик, кулга чидашлик ва ремонтга яроклилик хусусиятларини ўзгартирмай қолишлиги, сакланувчанлик хусусияти хусусияти дейилади. Унинг кўрсаткичларидан бири сакланувчанликнинг ўртача муддати: Ишончлиликни комплек кўрсаткичлари қуйидагилардир:

Кт - ишга тайёрлик коэффциенти

Кф - техник фойдаланиш коэффциенти

$$\frac{T}{K_t \cdot k} = \frac{T}{T_{KTr}}$$

T - машинанинг бузилмай ишлаган вақтлари йиғиндиси:

Tr - шу муддатда ишламай қолишларини тузатишга кетган вақт йиғиндиси:

$$\frac{T}{K_f \cdot k} = \frac{T}{T_{KTr} \cdot K_{Tp}}$$

Tп - профилактик каровга кетган вақтлар.

Машиналарни эксплуатация қилиш давомида унинг ишга яроклилик ҳолатини аста секин пасайиб борди. Механизм ва узеллар тез-тез бузила бошлайди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасайиб кетади, брак маҳсулот кўпаяди, иш унумдорлиги пасаяди, маҳсулот сарфи кўпая боради элект энергия кўпрок сарф бўлади, ҳар хил товушлар, шовкинлар, тебранишлар ва бошқалар содир бўла бошлайди. Машинани сиртдан куриб чикиб қуйидагилар аниқланади.

- детал ва узелларнинг чанг босганлиги ва ифодаланганлиги:

- деталларнинг жойлашиш ҳолати, улардаги куриш мумкин бўлган шикоятлар,

- химоя копламларининг шикастланиши ва маҳкм эмаслиги:

- мойларнинг техник ҳолатини уларни двигателини учиргандан кейин тўхтатишга кетган вақт билан ҳам аниқласа бўлади.

Бу ўз ўзидан тормозланиб тўхташ вақти еки буш югуриш вақти (вўбег) дейилади.

Бу вақт қанча кўп бўлса энергиянинг механик йўқолиши шунча кам бўлади, демак энергия сарфи кам бўлади. Машинани куздан кечирганда бирикмалар орасидаги зазорларни ҳолати текширирилади. Бунда зазорларнинг чегаравий қийматини билиш керак Масалан вал-подшипникнинг муддати учун (суюқ ишқаланишда)

$$S_{\max} = \frac{S_o}{H_{ep}}$$

S_m - подшипник материалнинг оқувчанлик чегараси.

H_{ep} - вал ва подшипник ўртасидаги ўртача босим.

Умуман $S_{\max}$ қ 2.25 S_o деб қабул килса бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Режали олдиндан таъмирлаш тизими деганда нимани тушунасиш?
2. Машинани техник ҳолатини кўрсатувчи параметрларни тушунтиринг?
3. Машина пухталики кўрсаткичларини тушунтиринг?
4. Машинани сиртдан кўриб нималарни аниқлаш мумкин?

[қайтиш](#)

2-маъруза

**Жиҳозларни техник ҳолати ва уни эксплуатация даврида ўзгариши.
эксплуатация даврида жиҳозни техник ҳолатини баҳолаш.**

РЕЖА:

1. Машинани техник ҳолати ва уни фойдаланиш даврида ўзгарилиши.
2. Техник ҳолатни баҳолаш. Машина деталлари ва қисмларини бузилиш сабаблари.


1. Машинани техник ҳолатини ва уни эксплуатация даврида ўзгариши. Машинанинг техник ҳолати уни узликсиз боғланган параметрларини кўрсаткичларини характерлайди. Буларга қуйидагилар киради. Иш унумдорлиги чиқарилаётган маҳсулот сифати сарфланадиган энергия бузилмай ишлаши ҳам ашени тежаши механизм ва қисмларни ишлаш аниқлиги уларни ейилишга чидамлилиги, мустаҳкамлилиги ва бошқалар. Бу параметрларнинг ҳар бири эксплуатация даврида машинани техник ҳужжатида кўрсатилган чегара ичида булиши керак (паспорт техник шартлар ва талаблар стандартлар ва бошқалар).

Механизмлар, қисмлар ва деталлар эксплуатация даврида занглаши, синиши қолдиқ деформацияси ва ейилиш хиссобиға машиналарни параметрларини кўрсаткичлари пасаяди. Машинани техник ҳолатлари курикли даражада пасайиб кетса уларни бажарадиган функциясини қайта тиклаш учун таъмирға топширилади. механизмлар қисмлар ва деталлар узок муддат ишлаш кобилияти ва ишлаганлигига асосланиб машина узок муддат бузилмай ишлаши таъминланади.

2. Эксплуатация даврида жиҳозни техник ҳолатини баҳолаш.

Объектни (машинани механизмни еки қисмини) техник ҳолати параметрларини сонли кўрсаткичлари билан баҳоланади. параметрлар - бу физик катталиклар ва улар қуйидагиларни тасвирлайди мисол Геометрик ўлчамлар (чизикли,майдон,хажм) механик (босим,айлана частотаси,тебраниш амплитудаси, котириш кучи) акустик (шовкин даражаси) термик (ишқаланиш,иссиқлиги,темпратура) электрик (ток кучланиш кувват) параметрлар бўлади (расм-1).

(So) номинал (Sp) рухсат берилган ва (Sr) чегаравий.



Ярокли техник ҳолат		Бузилиш
Объектни ишга ярокли ҳолати		бузилиш
I	II	III

Расм 1. Параметрни ишлаб беришига боғланган ҳолда ўзгариши.

Номинал параметрни кўрсаткичлари янги махсулотни (объектни) кўрсаткичларга мос келади. Рухсат берилган параметрлар кўрсаткичи чегаравий бузилиш ҳолатини тасвирлайди. Рухсат берилган параметрларни кўрсаткичи объектини ишга яроксиз ҳолатини белгилайди. лекин у навбатдаги ремонтга эксплуатацион паст ҳолатида ишлаб бера олади. Объектни колган ҳолати (1,2,3) расмда аниқ куриниб турибди.

Параметри чегаравий кўрсаткичлари объектни эксплуатацион хусусиятларини шундай пастлигини кўрсатадиган бунда жиҳозни техник ва иктисодий назариядан ишлатиш тавсия этилмайди.

Бузилишлар аста секин еки оний ҳосил булиши мумкин. Деталларни ейилиши натижасида аста секин бузилиш ҳосил бўлади. олий бузилиш эса деталларда чарчаш микроерилиш йиғиндиси. аста секин кўпайиш ҳисобига.

Жадвал 1да машиналарда ишлатиладиган детал қисмларни бузилиши сабаби ва характери келтирилган.

Жадвал - 1

Детал ва қисм	Ишдан чиқиш сабаби ва характери	
	аста секин	оний
Валлар	Буйинчаларини ва юзаларини ейилиши эгилиши	Чарчаш еки ор-тикча юклантир-иш ҳисобига си-ниш
Сирпаниш подшипниклари	Ишқаланиш юзаларини ейилиши	Ажрифифриktion куймани эриб-окиб кетиши
Тебраниш подшипниклари	Эзилиш ва ука-ланиш халкани ички юзасини ейилиши	Сепараторни, шарикларини халкаларини синиши
Тишли ғилдираклар	Тишларни эзили-ши ейилиши ва укаланиши	Тишлар синиши
Резбали бирикмалар	Бушаб кетиши	Болт узулиши резба тишлари синиши

Машинани ва уни элементларини техник ҳолатини баҳоланиши умумий тажрибавий усулларини куриб чиқамиз. Машинани куздан кечириб чикиб уни қисмларини ва деталларини ифлосланганлиги детал-ларини тўғри жойланишини уларни базиларида шкастланиши мойлаб чиқарилаётган маҳсулот сифтини талабга жавоб бермаслиги кура қисм еки механизмларни носозлигини аниқлаш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Нима учун деталлар синади?
2. Нима учун электро-энергия сарфи ошади?
3. Ишдан чиқиш сабаб ва характерлари.

[қайтиш](#)

3-маъруза

Машина механизмларидаги ишқаланиш ҳақида тушунча. Ейилиш турлари. Машина техник ҳолатини диагностика усули билан аниқлаш.

Режа

1. Ишқаланиш назарияси ва уларга қисқача характеристика
2. Машина деталларини ейилиши Ишқаланиш турлари. Мойданган юзаларда ишқаланиш. Ейилиш турлари
3. Техник ҳолатни диагностика усули билан аниқлаш.


1. Ишқаланиш назарияси ва уларга қисқача характеристика

Ташқи ишқаланиш бу икки жуфт деталларни карама қарши ҳаракатида уларни бир бирига тегиб турган юзларини қаршилиқ кўрсатиши.

Ишқаланиш 3 кўринишда учрайди сир кетиши билан биршғаликда. Сирпаниб ишқаланишда бир бирига тегб турган юзаларини тезлиги ҳар хил бўлади (вал сирпаниш подшибниги)

Тебраниб-бу деталл юзалари ҳам сирпаниш ва тебраниш ҳолда ҳаракат қилади. (мисол тишли ғилдираклар)

Мойлаш усулули билан ишқаланишлар қуйидаги кўринишда бўлади. Мойсиз ишқаланиш 2 ҳаракат қилувчи юзалар мойланмаган чегаравий ишқаланиш - бу мой қалинлиги 0.1 мкм ва ундан оз суюқлик ишқаланиш - бу икки деталл ҳаракатлашяпти ҳамда улар орасида мой қаршилиқ кўрсатиши ва қаршилиқ уни ҳажми билан белгилаш хусусиятига эга булиши.



- 1-суёқлик хонаси.
- 2-суёқликсиз ишқаланиш зонаси.
- режимли кўрсатади
- мой ковушоклиги
- вални айлана сони
- солиштирма босим (вал ва подшибник орасида)

2. Машина деталларини ейилиши Ишқаланиш турлари. Мойданган юзаларда ишқаланиш. Ейилиш турлари

Жиҳоздан фойдаланиш коэффциентига ейилиш омиллари асосий салбий таъсир этади бизда махсулот сифатини пасайтиради, мураккаб операцияларни бажаришига тускинчилик қилади. 1/3дан 1/2 жахон микесидаги энергоресурслар ва фақат ишқаланишга сарфланади. Шунинг учун хозир энг катта ахамиятни ишқаланишга, ейилишга ва мойлашга қаратилган. Ишқаланиш ейилиш ва мойлаш назарияси практикаси трибошка деб аталади (Грек сузидан трибос-ишқаланиш)

Ишқаланиш турлари.

Ташки ишқаланиш-икки жуфт деталларни бириккан юзалардан ҳаракатланганда қаршилиқ кўрсатиши. Ишқаланувчи юзаларни ҳаракатига қараб ишқаланиш 3 кўринишда бўлади.

Сирпаниш тебраниш ва тебраниш сирпаниш билан.

3.Техник ҳолатни диагностика усули билан аниқлаш.

Техник диагностика деганда техник системаларнинг ҳолатини характерловчи белгиларини ўрганиш ва аниқлаш, улар параметрларини мумкин бўлган ўзгаришни олдиндан айтиб бериш нормаси иш режимини бузилишини уз вақтида олдини олиш мақсадида системалар ҳолатини экспериментал аниқлаш методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш тушинилади. Техник диагностика методлари машиналарнинг ишга яроқлилигини текшириш ишламай колган элементларни аниқлаш ишларини рационал ташкил этишда қўлланилади.

Т.Д Машиналарининг техник ҳолатини ўрганиш ва аниқлаш восита ва усуллари уйлаб топиш тўғрисидаги билимларни уз ичига олади. Т.Д машиналар ҳолатини структурали ва диагностик параметрлари тушунчалари мавжуд. Структурали параметрлар машинани техник ҳолатини бевосита белгиловчи параметрлардир. Масалан: Машинанинг куввати ейилганлик бирикмалардаги зарар натижалари кабилардир. Диагностик параметрлар эса машина ҳолатини бевосита белгиловчи параметрлардир Масалан: титраш температуранинг ортиши шовкин кўпайиши, мойларнинг сизиб чиқиши

кабилар. Тукув дастгоҳининг титраши ва шовкини кўпайиб кетиши деталларнинг ейилганлиги чегарадан ортиб кетганлигини кўрсатади. Машиналарнинг техник ҳолатини маълум аниқликда белгилаш параметрларни улчаш ва уларни таҳлил қилтиш диагноз қуйиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини техник диагностлаш дейилади. Диагностик параметрларнинг номинал қиймати уларни улчайди бошлангич қиймат қилиб қабул қилинади. Янги ва капитал ремонт қилинган машиналар учун номинал қиймат белгиланади. Диагностик параметрларнинг рухсат этилган қиймати чегараланган бўлади. Бунда машинанинг айрим қисмларини куздан кочириб техник хизмат кўрсатмай ёки ремонт қилмай ҳам ишлатиш мумкин. Бу қисмлар навбатдаги текширишгача маълум эҳтимолликда бузилмай ишлаши мумкин.

Диагностик параметрларнинг нормаль қиймати уларнинг номиналь ва рухсат этилган қийматлар орасидаги хоҳлаган бир қийматига тенг.

Диагностик параметрларнинг тчегаравий қиймати шундан кейин машина қисмларини ишга яроклилиқ ҳолати тула йўқолади бундай қисмларни ремонт қилмасдан ишлатиб бўлмайди еки кўп ейилганлиги сабабли хавфсизлик таъминланмаслиги ехуд иктисодий жихатдан ремонт қилиб самарали эмас. Масалан пахта тозалаш машинасининг аррасини тишлари ейилиб унинг диаметри 235-240 мм атрофида бўлса унинг тиши қайтатдан кесиб ишлатиш мумкин. Унинг диаметри 230 дан камайиб кетса уни ишлатиб бўлмайди ва металлومга топширилади. Диагностик параметрлардан ташкари диагностик белгиларга қараб ҳам машинани ишга ярокли еки ишга яроксизлигини аниқлаш мумкин.

Структура ва диагностик параметрлар - техник ҳолатининг белгилари ГОСТ билан белгилаб қуйилган. Диагностикани техник хизмат кўрсатиш пайтидаги асосий вазифаси машинанинг техник ҳолатини бошқариш имконияти тугилади. Машиналарнинг техник ҳолатини ўзгартириши ихтиерий равишда бўлади ва ҳар хил эксплуатацион омилларга боғлиқ (машина юкланишининг интенсивлиги) ишчиларнинг малакаси хизмат кўрсатиш ифати ва иш шароити ва бошқалар) улар машина деталларини ейилишига турлича таъсир қилади. Шунинг учун ҳар бир машина ремонтига ва унга хизмат кўрсатишга турлича меҳнат сарфланиши мумкин.

Машиналарни олдиндан дагностика қилиш уни ремонт қилинган ва техник хизмат кўрсатишга бўладиган меҳнат сарфини олдиндан аниқлаш имконини беради. Диагностика жараенида қуйидаги ишлар бажарилади.

- машина қисмларини ишга яроклилигини текширилади.
- ишга яроклилиги бўлмаган қисмларни нуқсонлари топилади.
- қолдиқ ресурсни прогноз қилиш учун йигилган қийматлар таҳлил қилинади.

Назорат учун саволлар

1. Ишқаланиш деб нимага айтилади?
2. Ишқаланиш турларини санаб беринг?
3. Техник ҳолатни аниқлаш усуллари қандай?
4. Диагностика усулини тушунтириб беринг?

[қайтиш](#)

4-маъруза

Машина деталларининг синиш сабаблари. Конструктив омиллар, технологик омиллар

Режа:

1. Машина деталларини синиш сабаблари.
2. Конструктив омиллар
3. Технологик омиллар

1. Машина деталларини синиш сабаблари.

Деталларни синиш сабабларидан бири уларни хатдан ташкари қаттиқ юклашдир. Айниқса детал кўп ейилган бўлса, занглаган бўлса хавфлидир. Бу машинларни нотўғри ишлатилса (енгил мато, тукийдиган дастгоҳда оғир мато тукилса) оғир айланадиган деталлар (масалан: тараш машинаси барабани)ни яхши балансировка қилинмаган бўлса ҳосил бўлади.

Деталнинг синган юзаси гадир-будир, хирарок бўлса юзада чизикчалар кияликлар бўлса бундай синишни юмшок (ковушок) синиш (вязкий излом) дейилади. Агар деталнинг синган юзасида кресталар ялтирок кўринишда бўлса синиш нуқтасидан нурлар таралишига ўхшаб излар тарқалган бўлса, бундай синиш мўрт синиш дейилади. Деталга катта зарба кучлари таъсир қилса ёки нотўғри тобланган бўлса пўлат еки чўян таркибида кўп миқдорда фосфор, олтингугурт бўлса детал юзаларида микро ерик бўлса у унча катта бўлмаган нурлар таъсирида ҳам синиши мумкин. Деталларни сифатсиз тайерлаш ремонт қилиш сабаби ҳам унга яхши техник хизмат кўрсатмаслик базида машина конструкцияси еки хисобидаги хатоликлар туфайли ҳам деталлар синади. Кўп ҳолларда ўзгарувчан куч таъсирида ишлайдиган деталлар синади. Асосан катта кучланишлар тўпланган нуқталардан синиш бошланади. Бунинг сабаби шуки кучланишларнинг чексиз кўп ўзгариб туриши дастгоҳни ялпи чарчатади прогрессив емирилиш ҳолати вужудга келади. Чарчаб емирилиш ҳолати синиш нуқтасида деформация кузатилмайди.

Чарчаш ериклари кўпинча деталларнинг шаклини ўзгариш жойида еки юзасининг ўзгариш жойларида булиши мумкин. Чарчаб емирилиш тусатдан содир бўлади. Шунинг учун жуда хавфли олдиндан сезиб бўладиган булгилари бўлмайди. Бир детални тусатдан синиши бошқа деталларни ҳам ишдан чиқаради оғир аварияга олиб келиши мумкин.

Чарчаб емирилган детал юзасининг кўриниши қуйидагича бўлади. Юзани икки донага ажратиш мумкин. Биринчи 1 силликлашган бархатсимон юзалардан иборат бу қисм чарчаб емирилишининг бошланган ва ривожланиб борган жойидир. Иккинчи қисми 2 кристал еки толасимон кўринишга эга бу қисм бирданига тула синиб бўлган қисмидир. Биринчи холда мурт емирилиш иккинчисиди юмшок емирилиш ҳолати юз беради. Уларнинг орасида кўпам силлик бўлмаган зона ҳам булиши мумкин. Бу жой чарчаб емирилиш тезлашган жойга тўғри келади. Айтилган кўриниши пластик материаллар чарчаб емирилганда аниқроқ сезилади. Чўян ва бошқа қуйма деталлар синаганда яхши куринамаслиги мумкин.

Биринчи зона синган юзага ўзгарувчан кучлар анча вақт таъсир қилиб турганлигидан силликлашиб кетган бўлади. Масалан: вал маълум вақт ичида неча марта айланса шунча марта дарз кетган юза бирбирига урилиб ажралиб туради. натижада дарз юзалари бир бирини силлиқлайди.

Иккинчи зона эса сингандан кейин ҳеч қандай куч таъсир қилмаганлигидан қандай синса ушандай қолаверади.

Деталларнинг чарчаши мустахкамлиги қуйидаги асосий омиллар орқали аниқланади.

- ўзгарувчан кучнинг характери ва қиймати
- деталнинг шакли ва ўлчамлари
- деталларнинг бириктирилиши характери ва юзаларининг сифати.
- каррозияси
- детал материалнинг механик хусусияти ва унинг кесилишига сезгирлиги
- детал тайерлаш технологияси

2. Конструктив омиллар

Ўзгарувчан кучнинг характери ва қиймати.

Машина деталларининг кўпи даврий ўзгарувчан кучланиш тасирида бўлади. Кучланишнинг бир марта тула ўзгариши цикл дейилади. Бир цикл давом этган вақт давр дейилади. вақт бирлиги ичида цикллар сони цикл частотаси дейилади.

Цикллар сони чексиз бўлганда материал синмайдиган ҳолатга тўғри келувчи энг катта кучланиш (G_{max} еки T_{max}) чарчаш чегарали еки чидамлили чегараси дейилади. Уни G_i харфи билан белгиланади. Пўлат еки чўян учун 5-10 млн баъзан 20 млн циклда бундай кучланиш белгиланади. Рангли металллар учун 50-100 млн цикл танланади. агар намуна кўрсатилган циклда дарз ҳосил қилмаса у чексиз кўп циклда ҳам синмайди. Деталга чарчаш чегарасидан каттарок куч таъсир қилса унда пайдо бўлади ва синади ортикча юкланганлик даражасига қараб синиклар хар хил бўлади.

$$K_o = \frac{G_k}{G_w} \text{ -----};$$

G_k - деталга таъсир қилувчи кучланиш

Gw - унинг чарчаш чегараси.

Агар Ко 1.0 дан 1.2 гача бўлса синиш хакикий чарчашдан бўлади. 1.2 дан 1.6 гача бўлса чарчамай синиш бўлади. 1.6 дан катта бўлса циклик ортикча юкланганликдан синиш бўлади. Булар ўртача катталиқдаги куйдирилган конструкцион пўлат учун таалуклидир.

Биринчи ҳолатда синган юзада юкорида кўрсатилгандан аниқ икки зона бўлади. Иккинчи ҳолатда ҳам икки зона бўлади. Лекин чарчаб емирилган зона билан статик синган зонанинг фарқи кескин фарқ килмайди. Учинчи ҳолатда эса чарчаб емирилиш ҳолати булмаслиги мумкин. Ортикча юкланиш сабабли чарчаб емирилиши ҳолати булмаслиги учун қуйидагилар бажарилиши керак.

- Тез айланадиган деталларни аниқ балансировка қилиш керак.
- Деталларнинг блиниесини ва уклари мос келмаслигини йўқотиш керак.
- Зарбли кучларни юмшатувчи амортизацияларни яхши созлаш керак.
- Тебранишларни синдирувчи курилмалардан фойдаланиш керак.
- Бирикмаларни яхши бириктириш керак.
- Уларнинг бушаб колганини махкамлаб ва назорат қилиб туриш керак.
- Айланувчи деталлар зарарларини катта бўлиб кетмаслигини текшириб туриш керак.

Деталларни шакли ва ўлчами.

Одатда чарчаб емирилиш ҳоллари деталнинг шакли кескин ўзгарган жойларда бўлади.

Масалан: шпонка чуқурчасида резбалар пасадкада тешиқлар олдида кескин кутарилиш жойларида ва хакозо.

Чунки бундай жойларда кучланишлар тўпланади уларнинг қиймати бошқа жойдаги қийматдан бир неча марта ортик булиши мумкин. Уларнинг булиши чарчаш чегарасини кескин камайтириб юборади. Бундан ташқари чидамлилиқ чегарасига деталнинг ўлчамлари ортиши билан металнинг ички тузилиши ҳар хил (неоднороднўй) бўлиб боради. Детал сирти қаттиқ бўлганлиги учун кучланишлар кичик бўлади. Натижада сиртдаги ва ички кучланишларнинг фарқи кескин ортиб боради. Деталларнинг чарчаб емирилишини олдини олиш учун ортиб боради. Деталларнинг чарчаб емирилишини олдини олиш учун кучланишлар тупланадиган жойларни силликлаш кескин ўзгаришларга йўл куймаслик керак. Бундай жойларни наплен килганда сикувчи кучланишлар камайиши мумкин. Мос кесилган резбага караганда капатланган резбанинг чидамлилиги юқорирокдир. Деталларни бириктириш характери ҳам чарчаш мустахкамлигига таъсир қилади. Энг кўп таъсири кучли бирикмалар бу кузгалмас бирикмалардир. Бу ҳолда чарчаш мустахкамлиги 4 мартагача камайиши мумкин. Кузгалмас бирикмани қанчалиқ катта куч билан бириктирилган бўлса чегара мустахкамлиги шунча камаяди. ЧМ бириктириладиган деталларнинг материалига ҳам боғлиқ масалан валга бириктирилган вутулканинг қаттиқлиги ошиши билан валнинг чарчаш мустахкамлиги камаяди. (2 ва

ундан ортик марта) Валга бириктирилган шкив еки гилдиракларнинг ступенлари юпкарок ва кенгрок қилинса валга қоқиладиган пасадка чеккаларида айлана уйик бўлса еки валда буртган юза бўлса кучланишлар концентрацияси пасаяди демак чарчаб емирилиш камаяди.

Детал юзаларининг сифати.

Юзаларнинг сифати қанчалик юқори яни гадур будирликлар қанчалик кичик бўлса деталь шунчалик чарчашга чидамлилидир. Хар бир гадур будирнинг орасида ерикларда кучланишлар тупланади. Юзаларга жиплаб, шиббалаб, ишлов берилса чарчашга мустахкамлиги ортади. (1.5 - 2.5 марта) Шунинг учун юзаларни роликлар билан эзиб еки майда шарчалар билан уриб (драбейструйная) ишлов берилади. Тешиклардан шарикларни босим билан утказиб ҳам ишлов берилади. Бунда юзалар силликлашади. занглашнинг таъсири жуда кучли у чидамлилиқ даражасини кескин камайтиради. Бунда бошлангич дарзлар лортикча юкланганлик ва пластик деформациядан ташкари емирувчи суюқликлар таъсирида ҳам пайдо бўлади ва ривожланади.

Занглаш шароитида ишлайдиган деталларнинг чарчаш мустахкамлиги бир неча марта пастдир. Бу холда деталда мурт емирилиш, синиш хосил бўлади ва уни занглаб чарчаш дейилади. Занглаб чарчаш ҳолати ишланишлар концентрацияси кучли емирувчи (занг-латувчи) мухитда чузилиш сиқилишда юзалар гадир-будирлиги юқори бўлса ишқаланиш цикли катта бўлса кескин кучаяди. Деталларни электрлитда хром, мис, никел билан копланса агрессив мухитнинг чарчаш мустахкамлигига таъсирини умуман йўқотади. Сульфит билан копланса ҳам занглаб чарчаш камаяди. Энг деталларга занглашга қарши, азот билан ишлов бериш бунда юзаларга аввало қисқа муддатда азот билан ишлов берилади сўнг роликлар билан эзилади. Шарчалар билан калтакланади, чунки бунда юзаларга кушимча сикувчи кучланишлар пайдо бўлади. Деталларни полиэтилинг бакелинг билан копланса ҳам занглаб чарчашга мустахкамлик ортади.

Металларнинг механик хусусиятлари Конструкцион материалларнинг чидамлилиқ чегараси хар доим мустахкамлик чегарасидан паст бўлади. Ундан ташкари у деформация турига ҳам боғлиқ. Масалан пўлатнинг чузилиш-сиқилиш эгилиш ва бурилишдаги чидамлилиқ чегараси қуйидаги нисбатда бўлади. $1 \times 1,4 \times 0,8$

кулранг чўян учун - $1 \times 2 \times 1,8$

болғаланган чўян учун - $1 \times 1,7 \times 15$

Детал материалнинг структураси қанчалик тоза бир жинсли бўлса шунчалик уни чидамлилиги юқоридир. Бир жинсли сарбит ва троостит структура перлитли структурага қараганда 2...3,5 марта катта чарчаш мустахкамлигини беради ферритли полеуглеротли пўлат ва цементитли кўп углеродли пўлатнинг чидамлилиқ чегараси анча пастдир. Чўян структурасидаги йирик текст таксимланган график углероднинг ва кремнийнинг кўпайиши чарчаш чегарасини пасайтиради ва аксинча майдаланган графит еки думалокланган шаклдаги углероднинг ва кремнийнинг камайиши чарчашга мустахкамликни оширади. Шунинг учун

перлитли модификацияланган ва ута қаттиқ чўянлар оддий кул ранг чўянга караганда чарчашга чидамлироқдир. Деталларнинг юзаларини кескин утиш жойларида кучланишлар концентрацияси бўлганлигидан чарчаш чегараси кескин камаяди. Масалан пўлат тирсакли валнинг мустахкамлик чегараси 100 КГС/мм кв бўлгани холда унинг конструктив чидамлилиқ чегараси 7 КГС/мм кв ни ташкил этади холос бу чарчаш мустахкамлигининг ҳар хил уйиқлар кабарик жойлар сиртларнинг кескин ўзгариш жойларига нисбатан сезувчанлиги катта эканлигини кўрсатади масалан: уйиқлар пўлатнинг чидамлилиқ чегарасини 35-55 фоизга чўянникини 5-20 фоизга камайтиради. уйиқлар (натрез)га таъсирланувчанлик материалнинг мустахкамлик чегараси ортиши билан ортади. Кичик мустахкамлик чегарасига эга бўлган оддий кулранг чўян уйиқларга унчалик таъсирланувчи эмас. Чунки чўян структурасидаги график зарчаси жойлашган нукталарни кичик (дарз)лар деб караса бўлади ва яхши силликлаб ишлов беришга намунада ҳам барибир дарз (ўйиқлар) қолади. Натижада икки холда ҳам бир хил чарчаш натижасига эга буламиз. Яъни юзалардаги уйиқлар булиши чарчаш чегарасига ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди чарчаш мустахкамлигига металнинг зарбли юқларини ютиш ва сундириш қобилияти бор йўқлиги ҳам таъсир қилади.

3. Технологик омиллар

Деталларни кесиб ишлашнинг таъсири. Олдин айтиб утилганидек детал юзаларининг гадир будирлиги ва жинсланувчи (наклент) чарчаш мустахкамлигига таъсир кўрсатади. Гадир будирликликларнинг катталиги материалларнинг хусусиятлари кесиш режими ва асбобнинг диометриясига боғлиқ. Материалнинг қовушқоқлиги катта бўлса бир хил шароитда катта гадир будирликлар ҳосил бўлади. Метал структурасида юмшоқ ва қовишқоқ зеррит кўп бўлса юзанинг гадир будирлиги ошади. Структурада пластинкасимон перлит бўлса кесиш тезлиги ошса (15м/мин ва ундан балант бўлса) кесиш чуқирлиги ва пасадка озайса гадир будирликлар камаяди. Кесиш сабабли диометриясининг таъсири қуйидагича. Асбобнинг кесувчи қиррасидаги бош ва ердамчи бурчакнинг (Y ва Y) камайиши билан гадир будирликлар ҳам камаяди. Кесувчи қирранинг юмалоқланиш радиуси (r) ортиши билан юза сифати яхшиланади, лекин радиус 1-1,5 мм дан ортиб кетса тебраниш булиши мумкин ва юзада нотекисликлар кўпаяди. қиррадаги олд бурчак ортиши ва орқа бурчак камайиши билан нотекисликлар баландлиги камаяди.

Детал юзаларини босим остида эзиш.

Бунда тобланган (катталиги 62063 НЯС) пўлат роликлар билан детал юзаларини эзиб ишлов берилади. Натижада юзалар силликланиб, эзилган қаттиқланган ҳолатга келади. Юзаларда ички сиқувчи кучланишлар пайдо бўлади. Шунинг учун чарчаб емирилишга мустахкамлик ошади. Одатда кучланишлар тупланадиган жойларга босим остида эзиб ишлов берилади. Масалан: галтеллар, тешикли арикча, уйиқлар жойлашган юзаларга бундай ишлов берилади.

Агар силлик цилиндрик юзаларга босим остида эзиш йўли билан ишлов берилса, чарчаш мустахкамлиги 18-20 фоиз ортса кучланиш тупланадиган юзаларга шу йўл билан ишлов берилса мустахкамлик 60 фоизгача ортиши мумкин. 40 маркали пўлат деталларга 20-40 КГС босим остида ролик билан эзиб ишлов берилади. Бунда детал айланиш тезлиги 1....35 м/мин, ролик ҳаракати (подога)-0,5.....10 мм/об, роликни силжитиш сони (число проходов)-1....2 ролик диаметри детал диаметридан каттароқ бўлиши керак.

Болғалаш (повка) болғаланиш даражаси ошган сари детал материали заррачалари йуналиши бўйича мустахкамлик ортади. унга тик йуналишда эса камаяди. Деталнинг чарчаб емирилишига чидамлилиги, унинг заррачаларини йуналишига нисбатан қайси йуналишда юкланганлиги боғлиқ. Метал тоалларига тик йуналишдаги чидамлилиқ, толалари бўйича чидамлилигига нисбатан 15....20 фоиз пастроқдир. Кучланишлар концентрацияси эса тик толаларга, бўйлама толаларга нисбатан озроқ таъсир кўрсатади.

Пайвандлаш пайвандланган ва эритиб копланган деталларнинг чарчашга чидамлилиги, бутун деталларга нисбатан паст бўлади. Бунга сабаб пайвантланган металнинг ички тузилиши бир хил эмаслиги, унда ед жисмларнинг, бушликларнинг, эримай қолган бўлакчаларнинг ички иссиқликдан ҳосил бўладиган кучланишларнинг бўлиши ва юзаларнинг нотекисликлари катта бўлганлигидир.

Назорат учун саволлар

1. Машина деталларини саниш сабабларини мисол қилиб тушунтиринг?
2. Деталларни санишига конструктив омилларни таъсирини тушунтириб беринг?
3. Деталларни санишига уни сиртлар сифатини таъсирини тушунтиринг?
4. Технологик сабабларни мисоллар билан тушунтириб беринг?

[қайтиш](#)

Мойлаш материаллари. Мойлаш материалларини синфлаш, маркалаш ва кулланиши

Режа:

1. Мойлаш материаллари
2. Мой хиллари ва уларнинг ишлатилиши
3. Мойлаш усуллари ва системалари

1. Мойлаш материаллари

Минерал мойлар. Уларни мазутдан олинади. Мазут эса, нефтьдан бензин, керосин каби фракцияларни ажратиб олагандан кейин қолади. Мазутдан аввало, енгилрок фракцияларни ажратиб олинади, улардан қовишқоклиги пастрок мойлар тайерланади, қолган қисмидан эса юқори қовишқокли мойлар тайерлашда ишлатилади. Мойларнинг хоссалари. қовушқокли бу мойларнинг ташки қучлари таъсирида, уланинг зарачалари бир бирига нисбатан силжитишга норозилик кўрсата олиш хусусиятидир. Динамик қовушқоклик N_g - хакикий еки абсолют қовушқокликдир.

Ўлчов бирлиги

Кинаметик қовишқоклик к-бу динаметик қовушқокликнинг суюқликнинг зичлигига нисбатидир. (бир хил t да)

$$\frac{N_g}{N_k} = \frac{\rho_k}{\rho_g}$$

Ўлчов бирлиги стонс ёки сактиотокс.

Шартли қовушқоклик - бу колибланагн тешиқдан маълум миқдордаги мойни оқиб чиқиб кетишига кетган вақтни шу тешиқдан 20 С да сувни оқиб кетишга кетган вақтга нисбатидир. Уни Энглер градусларида улчанади. Мойларнинг қовушқоклигини виспозиметр асбобида улчанади. Кипематик қовушқокликни улчаш учун копиллар виспозиметрлар набор ишлатилади. Шартли қовушқоклики ВУ - Энглер виспозиметрда улчанади.

Мойларнинг қовушқоклиги темпратура ортиши билан пасаяди ва аксинча камайиши билан ортади. Тўхтаб турган машинани юргизилганда кетган қувват сарф бўлади, чунки туни билан машина совуб ишқаланиш жуфтларидан мойларни қовушқоклиги ортиб кетган бўлади. Мойларнинг қовушқоклиги t дан эгри чизиклик қонун бўйича боғлиқ. қовушқокликнинг темпратура коэффиценти (ТКВ) қуйидагича топилади.

$$TKV_t = \frac{N_{t100} - N_{50}}{100 - 50}$$

Мойларнинг яна бир хусусияти котиш темпратурасидир. Бунда пробиркага куйилаган мой совутилганда шундай котадики пробиркани 45 га бурчакка огдириб 1 минут турилганда мой усти ўзгармаслиги керак. **МОЙЛАРНИНГ ҚОВУШҚОҚЛИГИ** босим ортиши билан ҳам ортади натижада мой қаватаининг юк кутариш қобиляти ортади ва ишқаланиш юзаларида металлларнинг бевосита бир бирига тегишидан саклайди. **ПОРТЛАШ ТЕМПРАТУРАСИ** бунда кизиган мой зарралар ҳаво билан аралашиб аланга яқтинлаштирилганда бирданига ут олиб кетади ва уша захоти учади. **АЛАНГАЛАНИШ ТЕМПРАТУРАСИ** унда ҳам юқорирок темпратурадир. унда аланга яқинлашганда мой мой 5 секунддан кўпроқ енади. бу хусусиятлар асосида мойларнинг парланувчанлиги енгинга хавфлилиги каби хоссалари аниқланади. Портлаш темпратурасини Бренкеннинг очик идишида еки Мартенс - Пепскийнинг берк идишларида аниқланади. Берк идишлар асосан трансформатор мойини портлаш темпратурасини аниқлашда ишлатилади. **СТАБИЛЛИК** деганда мойларнинг эскирмалиги яъни вақт утиши билан физик кимевий ва эксплуатация хоссаларини саклаб қолиш хусусияти тушинилади. Мойларнинг эскиришини асосий сабаби уни кислород таъсирида оксилланишидир. /окисления/ бунда уларнинг қовушқоқлиги ортиб кетади. Тозаланмаган еки оз тозаланган мойлар тез /окисление/ оксирланади. Жуда тозаланган мойлар ҳам тез оксидланади.

Ишчи темпратураси қанча баланд бўлса шунга оксидланиш тезлиги юқоридир. Ҳаво билан уралган юза қанча катта бўлса оксидлаш тезлиги шунча юқори бўлади. Масалан: Сачратиб мойланганда, дирпуляцион мойланганга караганда оксидланиш тезлиги юқоридир. **МОЙЛАРНИ РАКРОЗИОН АКТИВЛИГИ** мойлар оксидланаганда сувда эрийдиган паст маликуляр органик кислоталар ва сувда эримайдиган юқори малекуляр органик кислоталар хосил бўлади. Паст молекулали кислотлар таъсирида кора металллар ва подизипкик котишмалар занглайди юқори малекуляр кислоталарда эса қозишпник котишмалари таркибига кирган рангли металллар коррозияланади. Мой таркибидаги актив сульфат бирикмалари таъсирида ҳам коррозияланиш содир бўлади. Мойни яхши тозаланмаганлиги ундаги минерал кислота ишкорлар ҳам коррозияга сабаб бўлади. Сульфатли бирикмалар резина ва жун зичлагичларни қотириб мурт қилиб куяди ва натижада синиб ишдан чиқади. Соё таркибида сувнинг қолиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мой қовушқоқлиги ўзгаради у бир жипсли ҳолатини йўқотади. Св эса деталларни занглатади.

Мойларнинг коррозия активлигини қуйидаги кўрсаткичларга қараб аниқланади. **КИСЛОТА СОНИ** Таркибида 1 г мой бўлган эркин кислотани нейтраллаш учун зарур булаган уювчи калий /КОН/ миллиграмдаги микдори. Мой таркибида сувга эрийдиган кислота ва ишкорлар бор йўқлигига қараб ҳам каррозия активлиги аниқланади. Стандартга асосан бундай кислота ва ишкорлар мой таркибида булмаслиги керак. Мой таркибида сувнинг бор йўқлиги ГОСТ 2477-65 га асосан аниқланади. Бунда эритувчи ердамида епилади ва тутундан олтингурут ангидриза тутиб олинади. /ГОСТ 143756 да кўрсатилган/

Мой таркибидаги куйкимлар чанг, кум, хар хил ифлосликларни механик кушилмалар дейилади. Уларнинг мой таркибида булиши ишканаладиган юзаларнинг тез етилишига сабаб бўлади. Кўп индустриал мойлар учун механик кушилмалар /аралашмалар/ 0,005 фоиздан ошмаслиги керак. Шунда хам мой таркибидаги толалар каби механик кушилмаларнинг булиши хам филтрларни мой найчаларини ифлослантиради. Натижада мойлаш системаси ишдан чиқади.

2. Мой хиллари

Тўқимачилик машиналарида кўпинча индустриал мойлар ишлатилади. Улар ковшокли даражасига қараб уч хил бўлади.

1. Енгил мойлар
2. Ўртача мойлар
3. Оғир мойлар

Енгил мойларнинг ковшоклиги 50 С да 4-10 сет атрофида бўлади. Бундай мойлар билан катта тезликда ва кичик босимда ишлайдиган механизм ва узеллар кичик электро двигателлар назорат улчов асбоблари мойланади. Маркалари Л-велосит, Г-вазилинавос.

Ўртача мойларнинг ковшоклиги 50 С да 10 дан 58 сетгача бўлади. Улар ўртача ва катта босимлар ва кичик тезликларда ишлайдиган механизмларни мойлашда ишлатилади. Маркалари

Индустриаль - 12 (верстенное-2)

Сепараторное - Т

Индустриаль - 20 (веретенон-3)

Индустриаль - 20В (веретенон-3В)

Индустриаль - 30 (веретенон-А)

Индустриаль - 45 (веретенон-С)

Индустриаль - 45В (веретенон-СВ)

Индустриаль - 50 (веретенон-СУ)

Оғир мойларнинг қовушқоқлиги 100 С да 9-28 сетни ташкил этади. Оғир юкланган ва юқори тезликда ишлайдиган узел ва деталлар мойланади. Маркалари.

Цилиндровое 11 (цилиндровое 2)

Цилиндровое 24 (цилиндровое)

Мойларнинг ишлатилиши

ВЕЛОСИТ - йиғириш ва пишитиш машиналарининг урчуқлари /енгил ва тез айланадиган/

ИНДУСТРИАЛЬ МОЙ 12 - Ингичка ва тезли-ингичка пиликлаш машиналари урчуқлари, Унинг урнига 35 % велосит 65 % индустриал мой 20 дан аралаштириб ишлатса бўлади.

ИНДУСТРИАЛЬ МОЙ - 20В Йугон, перегон торли-перегон пиликли машиналари ургуклари жун йиғириш машиналари урчуқлари хар-хил

счетчиклар мойланади. Унинг ўрнига 55 % велосит 45 % индустриаль мой 45 еки индустриаль мой 20 аралаштириб ишлатилади.

ИНДУСТРИАЛ МОЙ 20 - Хар хил машиналарнинг мойлаш варақларига қўйилади. (гребенная порбка веретен утогиопереметнўх) м-н 10 кВт гача бўлган олд двигателларнинг сирпаланиш позириппиклари мойланади. урнига Л Маркали трубина мойи еки 55 % велосит 45 % инд мой ишлатилади.

ИНДУСТРИАЛ МОЙ 30 - тараш пилталаш йигирув пишириш /тростилтнўе/ ворс бериш (воровольное) мато юзасини тозалаш (стригальное) машиналарнинг ишқаланиш жуфтларида 10.....100 кВт кувватли электродвигателлар сирпаниш подшипникларига қўйиш учун ишлатилади. Унинг урнига 50 % инд мой 20 ва 50 % инд мой 45 еки 4 т трубина мойи аралашмасини ишлатиш мумкин.

ИНДУСТРИАЛЬ МОЙ - 45 В - саралаш саваш машиналари охорлаш машиналари ва пардозлаш машиналарининг кўпини мойлашда ишлатилади. Мой ванналари қўйиш тавсия этилмайди. Урнига ИМ-45 еки ИМ 50 ишлатилиши мумкин.

ИНДУСТРИАЛЬ МОЙ 45 ва ИНДУСТРИАЛЬ МОЙ 50 - Мой ванналари қўйилади циркуляцион мойлаш системаларига кувватли редукторларга тезлик кутиларига қўйилади. Урнига веретено мойи АУ ишлатилиши мумкин.

ЦИЛИНДР МОЙИ 11 (ЦМ 11) гервекли узатмалар куввати редукторларнинг тишлик ғилдираклари каби оғир юкланган деталларни мойлашда оххорраш машиналарнинг қўритиш барабани подшипниклари каби юқори темпратурада ишлайдиган деталларни мойлашда ишлатилади. Зарурият тугилса унинг урнига АК-10 маркали мой ишлатилиши мумкин.

СТБ дастгохининг мой ванналари ва подшипникларида махсус ВНИИНП - 406 маркали мой ишлатилади. Айрим Тўқимачилик машиналарини мойлашда узель автотрактор, тропемиссион мойлари ишлатилади. МАС СТБ Р-5 каби дастгохларда. Бир мойнинг урнига бошқаси ишлатиладиган бўлса уларнинг ковушоклиги бир хил (ёки 20 шартли ковушоклик бирлигида фаркида) булиши керак. Агар бундай мой булмаса хар хил ковушокликка эга булаган мойларни раралаштриб керакли ҳолатга келтириш керак. Мойларнинг нисбатларини аниқлашда номогрольмалардан фойдаланиш мумкин.

Консистент мойлар

Консистент мойлар суюқ мойларни совун еки каттиқ углеводлар (парафин, церезин) ёрдамида қўюлтириш йўли билан олинади. Кальцийли ва натрийли совун билан қўйилтирилган мойлар кўп таркалаган.

Кальцийли мой солидан УСс ва УС таркибида сув хам бўлади. Сув бўлмаганда эса мой парчаланиб кетган булар эди.

Натрийли мойлар / посталин типа УТс и УТ/ да сув бўлмайди. Сув қўшилса эмумсилга айланиб қолади. Кальцийли мойлар нам шароитда ишлайдиган деталларни мойлашда натрийли мойлар эса курук ҳолатда ишлайдиган деталларни мойлашда ишлатилади. Кальций мойлар 100 С дан юқорирокда эрийди.

Кальций-натрийли мойлар (ТИПА 1-13) 120 С дан юқорида ва нам шароитда ишлатилади. Ишлатилишига қараб консистент мойлар (КМ) икки хил бўлади. Антифрикцион мойлар (АКМ) и консервореон (химояловчи) мойлар (ККМ).

Тез тўхтатиб юргизиб туриладиган оғир юкланган тез айланмайдиган деталларни мойлашда АКМ ишлатилади. ККМ лари эса деталларни занглашдан сақлаш учун ишлатилади.

КМ мойларнинг сифати механик ва физик кимевий хусусиятларига қараб аниқланади. КОВУШОКЛИК КМларнинг ковушоклигини ковушоклик температура характеристика (КТХ) си баҳоланади. Уни аниқлаш учун АКВ 2 еки АКВ-4 маркали автоматик копиялар виснозиметрлар ва ПВР-1 пластовиспозиметр ишлатилади.

ПЕНЕТРАЦИЯ Мойларнинг каонсистентлигини пенетрация сони белгилайди. Унга қараб мой узатувчи трубкачаларда окиш окмаслиги аниқланади. П-яни пенетрометрда аниқланади. Уни аниқлаш учун мойга стандарт конус намунани 5 сек ичида кузатилади. П-я сони қанча катта бўлса мой шунча юмшок б-ди.

ТОМЧИЛАШ ТЕМПРАТУРАСИ - ТТ деб махсус идишда киздирилатган мойдан биринчи томчи ажралиш пайтига тўғри келган т-рага айтилади. Мойлаш температураси ТТ дан 15-20 С паст булиши керак шунда мой узелдан окиб чикиб кетмайди. ТТни убеллада типيداги асбобда тажриба йўли билан аниқланади.

ЗАНГЛАШ КОБИЛЯТИ - З К нинг метал (Мис пўлат латум) пластинкларида юқори температурада ГОСТ 5757-67 Р кўрсатилаг усулда аниқланди. Белгиланган вақт пластинкани рангини мой таъсирида ўзгартириш киритиб ЗК бирлиги аниқланади. КМ ларда эркин органик кислоталарнинг булиши % хисобида кислота сони. (КС) билан ифодаланади. Бир гарм мойда 0,02 МГ гача КОН ва мой таркибидаги органик кислоталар 0,01 % дан ошмаса мой тоза хисобланади.

Кальцийли мойларда сувнинг миқдори 3 % дан натрийли мойларда 0,5 % дан ошмаслиги керак. Химоя мойлари (консервацион) да эса сув умуман булмаслиги керак.

МЕХАНИК АРАЛАШМАЛАР улар бочкани очик жойда сакланганда, ифлос идишларга солинганда мойга раралашиб колади. Мойни терлашда хам мех аралашмалари кушилиб колади, мех сифатсиз махсулот (ошак, таркибида кум сингари заррачалар) ишлатилганда хам кушилиб колади.

МА-ларни аниқлашни икки усули бор.

БИРИНЧИ УСУЛИ:

1. Мой 10% ли туз кислотада эритиб, сувда хосил бўлган чукмани петролейэдтри ва спирт-бензол аралашмасида эритилади.

2. Чукмага яни эритувчи ердамида филтрда дистрланган сув билан ишлов берилади.

3. Эримай колаган чукмани оғирлиги аниқланади.

ИККИНЧИ УСУЛИ:

1. Мойни-спирт бензол аралашмасида Экепрекция қилинади.
2. Чукмага филтрда қайноқ дистрланган сув билан ишлов берилади.
3. Чукма оғирлиги аниқланади. Мойда 0,025 % дан ортик МА булмаса мой тоза хисобланади. Консистент мойлар уч хил бўлади тез эрийдиган ўрта эрийдиган, кийин эрийдиган мойларга бўлинади.

Тез эрийдиган мойларнинг томчилаш темпратураси 65 С гача бўлади. УНЗ МАРКАЛИ МОЙ - универсал химоя мойидир. Уни қилинган мойи 11ни петролотум церезин ва утовчи натрий билан куйилтириб олинади. Ранги окишрок еки тук жиггарранг бўлади. Метал юзаларни занглашдан сақлашда ва механизмларни ез пайтида мойлашда ишлатилади.

УН МОЙИ - техник вазилин бу универсал мой. Минерал мойни петролатум билан куюлтириш йўли билан олинади. Рангли УНЗ га ухшаш. Кам юкланган механизмларда 50 С гача бўлган шароитда ишлатилади. Метал юзаларини занглашдан сақлашда ҳам ишлатилади.

АФ 70 МАРКАЛИ АСБОБСОЗЛИК МОЙИ (УНМА мойи) - МВП кўрғошинли совун ва бензин қўшиб куюлтириш йўли билан олинади. Вазилинга охшаш массанинг ранги окиш - сарикрок бўлади. Мойлаш пардаси мустахкам булиши талаб этилган холларда механизм ва асбобларни мойлашда ишлатилади.

Ўртача эрийдиган мойлар.

Уларнинг томчилаш темпратураси 100 С гача бўлади. Универсал ўртача эрийдиган мойлар уч маркада чиқарилади.

УС-1 пресе салидоли

УС-2 пресе А салидоли

УС-3 пресе Т салидоли

Уларни тозаланган еки ишкорланган қовушқоқлиги хар хил бўлган кальцийли совун билан химояланган минерал мойлардан олинади. Ранги ок-сарикдан то тук жиггаррангача бўлади.

УС-1 МОЙИ марказлаштирилган мойлаш системаларида ўртача юкланган механизмларда ва юқори намлик ҳолатида ишлатилади.

УС-2 МОЙИ машиналарнинг деталларини ва электродвигателларни мойлашда 55-60 С гача ўртача тезлик ва юкланганлик ҳолатида ишлатилади.

УС-3 МОЙИ айрим ишқаланиш ва кизийдиган юзаларни мойлашда юқори юкланганлик кичик ва ўртача тезлик катта намлик ва 80 С гача ҳолатларга ишлатилади. Ўртача эрийдиган универсал синтетик мойлар УСс-1 УСс-2 УСс-3 ни индустриал мойларни кальцийли совун цилиндр мойи 11 ва гарфит аралашмаси очик аралашмаси очик ҳолатдаги оғир юкланган ишқаланиш узелларини мойлашда ишлатилади.

Кийин эрийдиган мойлар

Уларнинг томчилаш температураси 100 С дан ортик бўлади. Универсал кийин эрийдиган сувда эримайдиган мой 1-13 ни минерал мойларни натрий кальцийли совун билан куюлтириб олинади. Рангли ок сарикдан то тук жиггаррангача бўлади. Намлик ҳолатда 100 С гача бўлганда ўртача ва оғир

юкланганда мариноподҳипниклар ва бошқа ишқаланиш узелларини мойлашда ишлатилади. УТ-МОЙИ (енгил консталин) тозаланган еки ишкорланган минерал мойларни натрийли совун ег кислотаси билан куюлтириш йўли билан олинади. 120 С гача (УТ-1 учун) ва 135 С гача (УТ-2 учун) бўлган шароитда ишлатилади.

УТС маркали кийин эрийдиган синтетик мойлар (синтетик, косталин) минерал мойларни синтетик ег кислотасининг натрийли совун билан куюлтириш йўли билан олинади. Рангли тўқ жигарранг бир жинсли УТ-1 ва УТ-2 урнига ишлатилади.

Пишитиш машинасининг халкаларини мойлашда ИТ маркали Тўқимачилик мойи ишлатилади. Уни яхши тозаланган билан парфюмерия мойини солотаси натрийли совуни билан куюлтириб олинади.

Тўқимачилик машиналарини мойлашда УСс-1 УС-2 мойлари (пенстрация) сони 330-360 пресс-пенриц билан УС-2 УСс-2 мойлари (пенстрация сони 250-330) қалпоқли мойлар билан мойлашда ишлатилади. Пенстрация сони кичик бўлган УС-3 ва Усс-3 мойлари кам ишлатилади.

Сув билан мойлаш

Тенсталин егоч қаватли пластиклар пластификацияланган егоч каби материаллардан тайерланган проҳипниклар сув билан мойлашганда ишлайди резина билан копланган подшипниклар нам сув билан мойланади. Тем-ра ўзгариши билан сувнинг динамик ва киниматик қовушқоқлиги ўзгаради. Т-ра 10 дан 100 С гача кутарилса динамик қовушқоқлик 133*106 дан 28,8*106 нотекис Ме2га камаяди кинсмастик қовушқоқлиги эса 1,3*106дан то 296*106 мг/сек.

Ҳаво билан мойлаш

Кам юкланган жуда тез айланадиган унча катта бўлмаган темпратураларни мойлашда ҳаво ишлатилади. Сентрафугали егув машинасининг урчук фоҳипнингини мойлашда ҳаво ишлатилади, вал ва подҳипник қалций синтрофка қилинган ва зазоли оз булиши керак. Ҳаво ёрдамида мойлашнинг яхши томони шундаки темпратура босим билан билан ҳавонинг қовушқоқлиги ортиб боради. Натижада вал билан подшипник орасидаги ҳаво катламини юк кутариш қобилияти ортади. Подшипник орасига ҳаво маълум босим билан ҳайдалади катта тезлик ва кичик босим бўлганлигидан вал подҳипникдан ажралиб таянчга нисбатан марказий жойлашиб ҳавода суза бошлайди. Ҳавонинг қовушқоқлиги кичик бўлганлигидан валнинг айланишига қаршилиқ жуда оз бўлади.

Қаттик мойлар

ДИСУЛФИТ МОЛУБДЕЛ /MOS 2/- бу майда қават-қават тузилишига эга хар бир элементар қаватдаги атомлар бир бири билан мустаҳкам кимевий боғланишга эга қаватлар орасидаги боғланиш эса анча бушдир.

Шунинг учун бир қават бошқа қават устида енгил ҳаракатланади уни мой сифат ишлатилишида шу хусусият асос бўлади. ДМ деталларнинг метал

юзалари билан реакцияга киришмайди. ДМ билан копланган юзаларда ишкланиш коэффциенти суюқ ишқаланиш каби булиши мумкин. Нисбий босим ошиши билан ишқаланиш коэффциенти пасайиб кетади. Чунки босим ошиши билан ДМ пластинкасимон структурага эга бўлганлигидан ишқаланиш юзалари ошмайди. Ишқаланиш юзасининг уринма кучланиш ортиши билан ДМ пластинкаларининг қаватланиши кўпайиб ҳаракат йуналиш буйлаб жойлашиб қолади ва қаршилиқ камаяди.

ДМ асосида қуйидаги мойлаш материаллари тайерланади. Порошоклар, пасталар, конситент мойлар, суюқликлар, махсус аралашмалар, лаклар.

ДМ порошоги - ишқаланиш юзаларига сепилади ва юзада ишқаланиш кофциенти кичик бўлади. У пласмаса деталлар тайерлашда кукун таркибига кирадиган модда сифатида ҳам ишлатилади.

ПАСТАЛАР - ҳам қовушқоқлик нефть мойи силипон еки поликлегол асосида тайераланади. Сирпаниб ишқаланиш юзалари мойлашада ишалтилади.

КОНСИСТЕНТ МОЙЛАР Ишқаланиш юзалари тез мойлаб туриладиган холларда ишлатилади, чунки ДМ пастаси сурилган юзада юпка қават ҳосил бўлади ва у қават маълум қават давомида химоя қобилятига эга. Бунда ДМ литий асосидаги консистент мойга аралашиб ишлатилади. Сирпаниш ва юмалаш подшипникларни мойлашда ишалтилади. Оғир ишлаш шароитида ДМ чегаравий мойлаш ҳолатини саклаб турилади. Бошқа мойлар таркаб кетади. Электроверепорд ДМ ли ВНИИНП - 26 гр мойи ишлатилади.

СУЮҚ АРАЛАШМАЛАР. - Улар полоит еки ярим полоит суспензия минступопсентрати ҳолатида бўлади. Унинг асосини нефть еки синтетик ег ва совундан иборат ДМ шу концентратларда 1,5-2 % атрофида бўлади. Бу ишкланиш юзасида ДМ плиткеси /қавати/ ҳосил қилиш учун етарли ЛАКЛАР - уларнинг ишқаланиш юзаларига сепилади. Уларнинг юк кутариши юқори занглашга чидамли. Лакларни суюқ мойлар еки попсиент мойлар билан биргаликда ишлатилиши мумкин.

ДМ мойлари кислоталарга чидамли иссиқлик ва парча чидамли, сувда чуқмайди, иссиқлик утказувчанлиги паст каби авзалликлари борлиги учун уларни универсал деб аталади.

ГРАФИК ПЕРЕПОРАТЛАРИ - ГП нинг ишкланиш коэффциенти 0,1-0,15 га тенг у ҳам қаватма қават /пластители/ тузилишга эга. қаватларнинг орасидаги намлашган аеордеон қават /плитка/ бор ДМ га караганда арзонрок тозалаш осон кичик юкланиш ҳолатида ута чидамлик юқори темпратурада ҳам оксидланмайди. Лекин ДМ га караганда ГП нинг мойлаш қавати мустахкам эмас. ДМ қавати темпратура 800 С бўлганда ГП га караганда кичик ишқаланиш коэффциентига эгаю. Оғир юкларда кўпга чидамлилиги юқори.

Графитнинг уз тоза ҳолатда мойлаш мақсадида кам ишлатилади. Кўпинча металлокерамик композиция металларида мойловчи модда сифатида ишлатилади. Коллонд кўринишидаги график сувли еки мойли препоратларга кўшиб ишлатилади. Уларни мойларга 1-2 % атрофида кўшилади. Бундай графитланган мойлар билан металл юзаларни мойланганда юзалар

силликландади чунки чукурчаларни графит массалари тулдиради. Яъни графит юза хосил бўлади.

3. Мойлаш усуллари ва системалари.

Мойлар усули икки хил бўлади. Индивидуал ва марказлаштирилган. Биринчи усулда хар бир ишқаланиш жуфти алохида мойлаш қурилмасига иккинчи холда бир неча ишқаланиш жуфтлари битта қурилмадан мойланади. Машина деталларини мойлаш икки усулда бўлади. Даврий ва узлуксиз мойлаш. Мойлаш материали икки усулда ишқаланиш жуфтларига узатилади. Уз оғирлиги еки попиляр кучлари билан окиб боради. Насос ердамида босим билан хайдалади. Ишқаланиш юзалари мойлаб бўлган мойлар баъзида қайтмайди. Баъзан эса қайтиб келиб яна хайдалади. Бу кўп қайтарилиши мумкин. бунга қараб мойлаш системаси окава айланувчан бўлади. Бу системанинг комбинатсияси булиши хам мумкин. Мойлаш усули мойлаш режими пухталиги, ишқаланиш узелларини мойлаб туриш, меҳнат сарфи ва мойлаш сарфига қараб туланади. Мойлаш системасини эса машининг ўлчамига мойлаш нуқталарининг оз кўплигига уларнинг машинада жойлашишига машинада кузгалувчан ва кузгалмас бирликлари соннинг нисбатига индивидуал мойлаш имконияти бор йўқлигига ишқаланиш узелларидаги мойни текшириб туриш имконияти бор йўқлигига қараб танланади. Мойлаш системасини танлашда машинанинг қийматига хам қаралади.

Масалан: Арзон кўп тарқалган тикув дастогларини индивидуал мойлаш системасини танлашда машинанинг тийматига хам қаралади. Масалан арзон кўп тарқалган тикув дастгоҳларини индивидуал мойлаш системаси билан ишлатилади. Мураккаб қимматбаҳо агрегатлар (титиш саваш агрегати) СТБ дастгоҳи марказлаштирилган системада ишлайди.

Тўқимачилик машиналарида марказлаштирилган окава мойлаш системаси индивидуал система билан биргаликда босимсиз ва оғирлиги билан окиб бориб мойлайдиган система кўп ишлатилади. Марказлашган айланувчанг босим билан хайдаб мойлаш система кўп ишлатилади.

[қайтиш](#)

6-март

Металларни коррозияли емирилиши. Коррозияли емирилиш хиллари.

Коррозияли емирилишга таъсир қилувчи омиллар.

Металларни коррозиядан химоялаш усуллари.

Режа:

1. Металларни коррозияли емирилиши. Коррозияли емирилиш хиллари.
2. Коррозияли емирилишга таъсир қилувчи омиллар. Металларни коррозиядан химоялаш усуллари.

1. Металларнинг каррозияли емирилиши.


Занглаб емирилиш хиллари Каррозия - бу деталнинг ташки мухит таъсирида кимевий еки электрокимевий емирилишидир (занглаш ва емирилиб кетиш, майдаланиб заррачалар ажралиб чиқиш). Каррозия халк хужалигига катта зарар етказди. Тўқимачилик ва енгил саноатда кўпинча буяш пардозлаш машиналари, терига ишлов бериш юнгли терига ишлов бериш, каби корхоналари машиналари каррозияга учрайди. Чунки бу сохаларда машиналар кучли кимевий моддалар мухитида ута нам ҳолатида ишлайди. (луб толасини хул йигиштириш, пахта ипини хул эшиш, охорлаш, хул тукиш каби сохаларда).

КИМЕВИЙ КОРРОЗИЯ - металнинг электр утказмайдиган мухит остида ишлаш жараенида содир бўлади. Унда юзаларда оксидланиш қайтарилиши реакцияси бўлади, метал электронлари кислота атомига утади. Металнинг кислород сероводород, олтингугурт гази, галогенлар билан реакцияга кириши бунга мисол була олади, электр утказмайдиган суюкликларда ҳам кимевий каррозия учраши мумкин.

Электрокимвий каррозия - метал билан электр утказувчи мухит (кислоталар, тузлар, ишкорлар, нам ҳаво газлар каби) узаро таъсир этганда хосил бўлади.

Ҳавонинг намлик даражасига қараб каррозия қуйидагича бўлиниши мумкин Хул ҳолатдаги занглаш-бунда ҳавонинг нисбий намлиги 100 % атрофида бўлади детал юзасида куз билан куриш мумкин бўлган юпка нам қаватни оддий куз билан куриб бўлмайди ҳавонинг нисбий намлиги 100 % кам бўлади.

Тўқимачилик машиналари саноати деталларида кўпинча нам каррозия учрайди. Масалан йигирув, тукув цехларида ҳаво сунъий равишда намлаб турилади. Бу ҳолатда машина деталлари юзасида капиляр конденсация туфайли нам тупланади. Капиляр конденсациялаш маркази сифатида дарзлар (тиркишлар) (расмга каранг, 1) детал билан унинг юзасига утирган чанг зарралари орасидаги ериклар (2) ва занглаш кучган зарралар ораси (3) бўлиши мумкин.




Кабарик юзаларга нисбатан ботик юзаларда нам яхшироқ тупланади. Ҳавода SO_2 , Cl_2 , H_2O_3 , CO_2 , H_2S газлари бўлса каррозия янада тезлашади

чунки бундай газлар юзада йигилган намликнинг электр утказувчанлигини оширади. Металнинг зангалаши юзасидан бошланиб аста секин чуқурликка кета бошлайди, юзанинг ранги узагаради, занг билан копланadi, яркираши йўқолади энг асосийси металнинг механик хусусиятлари ейилишга чидамлилиги пасайиб кетади ва оғир идишдан чиқиш ҳолати (авария)га олиб келади.

Занглаб емирилиш уч хил бўлади.

Текис занглаш, махаллий занглаш ва кристаллараро занглаш бошлайди. Деталнинг мустаҳкамлиги ҳам шунга мос камая бошлайди. Бу жараеннинг тезлиги вақт бирлиги ичида йўқолган метал массасига тенг.

Махаллий коррозияда метал юзасининг айрим қисм жойларида емирилиши содир бўлади. Бу хил занглаш хавфлироқ чунки айрим занглаган жойларда кучланишлар конструкцияси бўлади ва бу деталнинг синишига сабаб булиши мумкин.



Нотекис занглаш, метал юзасининг айрим жойларида хар-хил чуқурликда емирилиши кузатилади. Занглашдагига караганда нотекис занглашда детал тезроқ емирилиши мумкин. Нотекис занглаш хиллари қуйидагича:

- махаллий коррозия (юқорида курилди)
- нуқтавий коррозия
- қаватма-қават коррозия
- селектив (танланган сайланма) коррозия
- кристаллараро коррозия
- транскристал коррозия

Нуқтавий коррозиякичикучастка атрофида бўлиб унинг чуқурлиги енглигидан анча катта бўлади. Нуқтавий коррозия характеристикалари.

- 1) Бирлик юзадаги нуқталар
- 2) Занглаш чуқурликлари
- 3) Занглаган юзани зангламаган юзага нисбати.

каватма қават коррозия прокатдан еки қаватли материялардан таерланган деталларнинг киригок-ларида учрайди. Бунда занглар ассосий масаладан қават қават бўлиб кўча бошлайди. Аммо бундай коррозая кам учрайди.

Селектив коррозия метал маълум бир кемеви актив модда билан реакцияга киришиб занглаш содир бўлади. латун материални рухдан тозалаш

жараенида учраши мумкин. бунда метал юзасида дарзлар пайдо бўлади. Ипсимон карозия - бошқа номи электроқимевий коррозия ингичка узун метал толалари кўринишга эга галваник юпа шаффоф копламлар остида буюк дарэйлари чуқралари ичида учрайди. Ҳаво намлиги 65-93 % бўлган шароитда ҳосил бўлади. Кўринишини бузади детал емирилишига тасири йўқ ҳисоби.

Киристаллараро коррозия метал кристал заррачалар ораси бўйлаб ҳосил бўлади ва ривожланади метал ташқарисидан яхши куринамаслиги мумкин.

Бу хил коррозия детални мустаҳкамлигини кескин сусайтириб юборади ва аварияга олиб келиши мумкин.

Кристаллараро коррозия электроқимевий жараёнлар тасирида вужудга келиши мумкин. Транскристал коррозияда кристалларга тик йуналишда дарзлар пайдо бўлади ва анча чуқурликка эга булиши натижасида деталларнинг механик хусусиятлари пасайиб кетади ва тусатдан синишга олиб келади. деталда ҳосил бўлган ички кучланишлар метал кислоталарни дедюмацияланиши силжитиш еки буриб юбориши мумкин. натижада метал занглашини тезлаштириш еки бирор нуқтага туплаши мумкин. Маҳаллий коррозиядан аста-секин кислоталараро усиши мумкин Чарчаш коррозиясида эса ўзгарувчан циклик юкланиш ҳолатида бўлиб, анча кичик кучланишда ҳам емирила бошлайди. юзада жуда кўп дарзчалар (микротрешшина) пайдо бўлади. Ундан кучланишлар туплами бошлайди ва тирнкристал коррозия ҳосил бўлади. юзаларга химоя коплами бериш унинг гадур будирликларини камайитириш ва занглашга чидамли металллардан фойдаланиш йўли билан коррозияни камайитириш мумкин.

Ишқаланиш коэффиценти катта бўлган жуфтларда ишқаланиш коррозияси учрайди жуфтлар бир бирига қаттиқ қисилган ҳолатда тебрана ҳаракатда бўлади. Юзадан қаттиқ металл заррачалар кучиб чиқади ва ҳавода оксидланиб яна қаттиқроқ заррачага айланади ва асосий массадан яна заррачаларни кучира бошлайди. Натижада коррозия тезлашиб кетади. атмосфера коррозиси ҳавонинг намлигига зарарли газларнинг активлигига (диоксид сера хлористнўй водород сероводород) га боғлиқ.

Бу электроқимевий коррозиядир Юзаларда ҳосил бўладиган юпка сув катлами электролит вазифасининг кўп жиҳозлари атмосфера каррозиясига учрайди.

Металнинг каррозияга чидамлилиги 10 баллик шкала бўйича улчанади ва бир йилдаги занг қавати калинлигига қараб белгиланади. Чидамлилиқнинг куйидаги даражалари мавжуд:

1. Мутлако тургун - 0.001 мм/йилдан оз 1 бал
2. Юқори даражада тургун 0.001 дан 0.005 гача 2 бал 0.005 дан 0.01 гача 3 бал
3. Тургун 0.01 дан 0.05 гача 4 бал 0.05 дан 0.7 гача 5 бал
4. Паст даражада тургун 0.1 дан 0.5 гача 6 бал 0.5 дан 1.0 гача 7 бал
5. Жуда оз даражада тургун 1 дан 5.0 гача 8 бал 5 дан 10 гача 9 бал
6. Турғунмас 10 дан юқори.

2. Коррозияга таъсир қилувчи омиллар

Коррозияга таъсир қилувчи сабаблар кўп асосийлари қуйидагилар:

- метал тузилиши ва таркиби ва муҳит
- метал юзасининг ҳолати
- ички кучланишлар
- тайерлаш усули
- муҳит табиати
- температура таъсири

Метал таркиби ва тузилиши:

Хамма металллар коррозияланади фақат бири озрок бири кўпроқ.

Пўлат. Унинг таркибига кирган ҳар хил кимевий элементлар коррозияга турлича таъсир қилади бири коррозияни секинлаштиради бошқаси тезлаштиради баъзилари мутлоқо таъсир қилмаслиги мумкин. Масалан:

Мис 0.15 % ортик бўлса секинлаштиради

Никель 3 % ----- # -----

Хром 3 % ----- # -----

Марганец 0.7 % дан оз бўлса таъсир қилмайди 0.7 % дан ортик бўлса тезлаштиради

Фосфор 0.12 % гача бўлса таъсир қилмайди

Кремний озрок бўлса таъсир қилмайди

Олтингугурт озрок бўлса таъсир қилмайди

0.15 % бўлса ва мис булмаса тезлаштиради

Углерод 0.15 % дан ортик бўлса тезлаштиради

Конструкцион углеродли пўлатнинг кўп маркалари коррозияга тургунлик даражаси бўйича 4-чи еки 5-чи гурппага киради яъни коррозияга унчалик чидамли эмас. Шунинг учун уларга хром никель ва мис қўшилади .

Зангламайдиган пўлат таркибида 12-14 % хром бор кўп тарқалган. Хром метал юзасида юпка оксид қавати ҳосил қилади ва метал зангламайди. Зангламайдиган пўлатнинг х12 2х13 3х13 маркалари гурппа коррозия тургунлигига эгадирлар. Уларга термик ишлов берилса занглашга чидамлилиги ортади. Х18Н9Т хром никель титанли пўлат Чуен оддий кулранг чуен коррозияга чидамли эмас , сабаби унинг таркиби бир хилэмаслигидир (масалан , пўлатга нисбатан)

Перлит структурали уянинг занглашга чидамли эмас, сабаби унинг таркиби бир хил эмаслигидир. Модификацияланган чуен кучли эритувчи муҳитда юқори даражада занглашга чидамлидир 60% ли сульфат кислота ва эриган ҳолатдаги уювчи натрий муҳитда унинг чидамлилиги жуда юқори .Бундай чуенга мисол қилиб силикопалсий билан модификация қилинган чуенни олиш мумкин Унинг таркиби С-2.9 ... 3.2,Si-0.8%,Cr -0.4...0.8% лик , Ni -0.6... 0.8%

Намлиги катта бўлган муҳитда перлит структурали титан мисли чуен(ТМЧ) занглашга чидамлидир. Унинг таркибида 1% гача миснинг булиши сабабли коррозияга тургундир.Унинг таркибида янада чидамли чуен қилиш учун хром ва никель кушиш керак Боғланган чўян оддий ҳолатда занглашга

чидамлидир чунки унинг юзаси оксидланган юпка химоя қаватига эга. Чўян группасига кирувчи юқори даражада лигерланган темир углеродли котишмалар ҳам анча кимевий тургундир Темиркремнийли (Si-14.5% гача) кремний молибденли (Si-13.5...16%);Mo-4.0...3.25%); ва кўп хромли (Cr-25...36%) чўянлар бунга мисолдир. Улар пардозлаш ва буяш цехларида кенг қўлланилади.

кўрғошин упардозлаш -буяш жиҳозларида кенг қўлланилади. Сульфат кислотаси ва унинг тузлари эритмаларида кўрғошин юқори даражада кимевий тургунликка эга . Унинг юзасида $PbSO_4$ дан иборат металл билан мустахкам боғланган юпка қават ҳосил бўлади ва зангдан химоя қилади. Бироқ сульфат кислотанинг концентрацияси 80% (иссиқ ҳолатда 85-90C) ва 92% совук ҳолатдан ортиб кетса юпка қават емирила бошлайди ва занглашга чидамлилиқ йўқолади сульфат кислота таркибида азот кислотасининг қолдиқлари кўрғошинда алюминий цинк (рух) калайларини булиши унинг занглашга чидамлилигини пасайтиради. Идиш ва трубопроводларда чикитларни утириб қолиши ҳам кўрғошинда маҳаллий коррозияни ҳосил қилади. кўрғошин кавшарлаб уланган бириктирилган жойларда ҳам кучли занглаши мумкин.

Гипохлорит натрий ва нордон тузли анилин муҳитида кўрғошин анча чидамсиздир туз кислотасининг 10% гача эритмасида совук ҳолда кўрғошин ванналари ишлатилади лекин бошқа ҳолларда ишлатилмайди.Ишкорларда ҳам кўрғошин тез эриб кетади.

Мисол: У нордон оксидли муҳитда тез занглайди. Азот кислотасида эса жуда тез эрийди. 50-60) ли сульфат кислота ҳам 60 C дан юқори иссиқликда тез занглатиб юборади. Кучсиз кислоталар оддий ҳолатда ишга таъсир кўрсатмайди. Органиқ ва туз ҳосил қилувчи кислоталарда емирилмайди уларда кислород бўлса тез занглайди.

Алюминий у ҳам тез каррозияланади бошқа моддалар билан тез реакцияга киришади лекин азот уксус (сирка) кислоталарида юқори даражада кимевий тургундир. Алюминий юзасида энг химоя катлами ҳосил бўлиб, метал билан қаттиқ боғаланган шунинг учун у зангаламайди. Алюминий қўшиладиган кўп моддалар (темир, рух, мис) унинг чидамлилигини пасайтиради. пайвандланган ва парваришланган жойлардан тез коорозияланади механик ишлов беришда ҳосил бўладиган ички кучланишлар занглашни тезлаштиради.

Рангли котишмалар Бронза латунь Уларнинг шуга кимевий тургундир. қаттиқ эритма ҳосил қилувчи котишмалар бир жинслидир калайи бронзада калайи 13,8 % га бўлса, қаттиқ эритма ҳосил бўлади. Калайи кўпайиб кетса кимевий тургунлиги пасайиб кетади Рух 2. 3% бўлса унча таъсир қилмайди.

Алюминийли бронзада алюминий 9.8 % гача бўлса қаттиқ аралашма ҳосил бўлади, озрок никель ва темир кушилса аралашма бир жинсли ҳолатини сақланмайди. Кремнийли бронзада кремний 3...3.5 % булиши мумкин унга 1 % га бир процент ҳам марганец қўшилади. Латунда рух 38.5 % гача бўлса қаттиқ аралашма ҳолатида сақланади.

Мис ва латунга караганда бронза кислота тургун (чидамли) Кремнийли бронза эса хамма котишмалардан кислотага тургунрокдир.

Металлопериаллик говак материаллар Темир градитли говак материаллар, мой шимдирилган бўлса хар қандай шароитда хам зангалшга чидамлидир Харорат 300 С дан ошган, сув парлари таъсирида бўлган бундай деталлар айникса зангалашга юқори даражада

чидамлидир Масалан бундай шароитда бронза подшипникларга бир неча кун ишласа темирградитли говак подшипниклар 6 ойгача ишлайверади. Улар сув ичида ишлатилса тез каррозияга учрайди.

Металмас материаллар уларнинг электр узатувчан эмаслиги туфайли факт кимёвий каррозияланиши мумкин холос текетолит гурухга кирувчи катламли пластиклар туз кислотасида сульфат кислотанинг ўртача концентрациясида туз эритмаларида органик бирикмалар эритмаларида ва 100 С гача бўлган темпратурада газ мухитида кимевий тургундир. Азотшавел, концентарцияси юқори сульфат, туз кислоталарида ишкорлар олтингутирт газ и хлор эритмаларида имевий тургун эмасдир.

Фенолформальдегид смоласи шимдирилган егоч хамма уткир агрессив мухитларда кимевий тургундир. Эритувчилар, ишкорлар ва баъзи бир органик эритувчиларда кимевий тургун эмасдир. Стирол, нитриль каучик ва акилимитрил сополимерлари, ўзгарувчан кучларга мустахамлиги билан бир каторда кимевий активдир.

Сиккатив - усимлик мойлари ва мойли лакларнинг курилишини тезлаштирувчи моддалардир. Сиккатив сифатида кўрғошин, марганец тузлар ва оксидлари ишлатилади. Пигментлар яъни буюк моддалари сметалларнинг туз ва оксидларидир.

Жиҳозмерти ташиши ва сақлаш. Бу холларда машина ва деталларни тозалаб егини кетказиб ювиб бўлгандан кейин попелетент мойлар (масалан: техник вазилин) баъзан кислотасиз, юқори ковушок мой (цилиндр, мой) суркалади сўнг паразинли когоз тол уралади ва яшикка махкам қилиб жойлашади. Бу машиналар икки ойгача яхши сакланади, бир марта мойланади бир йилга етади.

Назорат учун саволлар

1. Коррозия (занглаш) деганда нимани тушунаси?
2. Занглаб емирилиш хиллари тўғрисида маълумот беринг?
3. Занглашга тургунлик деганда нимани тушунаси?
4. Занглашга таъсир этувчи омиллар тўғрисида маълумот беринг?
5. Занглашга қарши химоялаш усуллари тўғрисида маълумот беринг?

[кайтиш](#)

7-маъруза

Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологияси. Таъмирлаш технологияси ҳақида тушунча. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологик жараенини принципиал схемаси

Режа:

1. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологияси. Таъмирлаш технологияси ҳақида тушунча.
2. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологик жараёнини принципиал схемаси.

1. Тўқимачилик машиналарини таъмирлаш технологияси

Жиҳозларни ремонт қилиш икки хил бўлади. Марказлашган ва марказлашмаган ремонтлар. Марказлашган ремонтда машинани урнидан кучириб ремонт хонаси (завод, устахона)га юборилади. Ремонт корхонаси фақат бир хил машиналарни ремонт қилишга ихтисослаштирилган бўлади ва ишлаб чиқариш бирлашмаси корхона, фабрикаларнинг ўртасига жойлаштирилади. Агар корхонада бир хил машиналар кўплаб бўлса ва уларни ташиш осон бўлса бу усул иктисодий жихатдан макул бўлади. Енгилсаноат корхоналари(оёқ кийим, тикувчилик, трикотаж каби фабрикалар) учун марказлаштирилган ремонт корхонаси ташкил этилса яхши бўлади.

Марказлаштирилмаган ремонт усулида машиналарни урнида ремонт қилинади еки цех устахоналаридаги стентларда ремонт қилинади.Тўқимачилик саноати машина ва агрегатларнинг ўлчами катта бўлганлигидан бу усулдан фойдаланилади айрим деталлар ва узелларни марказлаштирилган холда ремонт қилиш ҳам кўплаб қўлланилади.

Машиналарни ремонтга қабул қилиш тартиби қуйидагича:

- машинани ремонтга қабул қилиб олиш
- уни узелларга ажратиш ва узелларни деталларга ажратиш
- деталларни тозалаш ва ювиш
- уларни сортларга ярокли -яроксизга ажратиш
- нуқсонли деталларни қайта тиклаш яроксиз деталларни урнига янги тайерлаш
- деталларни танлаб узелларни йиғиш
- машина йиғиш
- машинани ишлатиб куриб(обкатка) созлаш ва синиш
- уни ремонтдан эксплуатацияга топшириш

2. Ремонт ишларини ташкилий томондан икки хил технологик жараенини тузиш мумкин. Цехда хар-хил моделдаги ва ўлчамдаги машиналар бўлса таъмирлашнинг технологик жараени қуйидаги схемада бўлади:



_____ унификация қилинмаган деталлар
----- унификация қилинган деталлар

Биринчи схемада бирор машинадан олинган детал ва узеллар ремонтдан кейин уша машинага урнатилади яъни алмашиб колмайди(яроксиз деталлардан ташкари). иккинчи схемада бирор машинадан олинган детал ва узеллар сортировка қилинганидан кейин баъзилари ремонт қилиб, эхтиёж қисм сифатида сақланади. Омборчадан запас детал ва узелларни йиғиш учун берилади. Унификацияланмаган детал ва узеллар эса тузатилгандан сўнг уз урнингга куйилади.

Учинчи схемада асосий кўп бир хил детал ва узеллардан олиб куйилади. Шундай қилиб унификация қилинган детал ва узеллар машина ремонт пайтида алмашиб қолиши мумкин унификация қилинмаганлари эса алмаштирилмайди. Биринчи схемада машина ремонтга энг кўп туриб қолади,

учинчи схемада эса энг қисқа вақтда ремонт қилинади. Аммо иккинчи ҳолда детал ва узелларнинг айланиб турувчи фонди биринчи ҳолга қараганда анча кўп бўлади.

Ҳар бир турдаги машиналар учун таъмирлашнинг технологик жараёни типовой схемаси тузилади. Технологик жараёни тузишда детал ва узелларнинг кўп учрайдиган нуқсонлари ремонт ишлари ҳажми узеллари ва машина йиғиш учун техник шартлар ҳисобга олинади.

Технологик жараёни ҳар бир хил ремонт (ўрта еки капитал) учун алоҳида тузилади ва унда ремонт ишларининг асосий этаплари кўп сотилади. (ажаратиш, қайта тиклаш каби) технологик жараёни тузишда корхоналардан илгор ремонтчилар тажрибасидан фойдаланиш керак.

Назорат учун саволлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган таъмирлаш тўғрисида тушунча беринг?
2. Машиналарни таъмирлаш технологик жараёни тўғрисида маълумот беринг?
3. Машинани таъмирга қабул қилиш қоидабини тушунтириб беринг?

[қайтиш](#)

8-март


Машинани буклаш схемаси. Деталларни тозалаш ва ювиш. Тозалаш ювиш ишларини механизациялаш деталларни сортларга ажратиш ва нуқсонларини аниқлаш.

Режа:

1. Машинани буклаш схемаси.
2. Деталларни тозалаш ва ювиш. Тозалаш, ювиш ишларини механизациялаш.
3. Деталларни сортларга ажратиш ва нуқсонларни аниқлаш.

1. Машинани буклаш схемаси

Машинани детал ва узелларга ажратиш аслида уни йиғиш уни йиғиш жараенинг тескарисидир. Йиғиш пайтида охириги урнатилган детал бўлакларда биринчи бўлиб ажратилади. Машиналарни капитал ремонт қилганда тула бўлаклар ўрта ремонтда қисман буклаш бажарилади. Машинани аввал йиғма узелларга ажратилади сўнгра узелларни деталларга ажратилади. Машина конструкциясига қараб узелдан каттарок қисмлар ҳам ажратилади (масалан пиликлар машинаси головкаси, тикувчилик дастгоҳларининг ремиз кутарувчи кореткаси) Сўнг улар аввал узелларга сўнг деталларга ажратилади. Машинани тузилиш схемаси қуйида кўрсатилган тўғри туртбурчаклар узелларни айланалар деталларни билдиради.



қисмларга ажратиш кетма-кетлиги шундай танланиши керакки меҳнат сарфи оз булсин ва деталлар яхши саклансин. Масалан қисмларга ажратиш пайтида тез деформацияланадиган деталлар консол холида осилиб қолмаслиги керак (узун валлар, тунука барабанлар рифлли цилиндрлар липилси). Акс холда уларда қолдиқ деформациялар эзилишлар хосил булиши мумкин. Осон деформацияланувчи деталларни ажратишда жуда эҳтиёт булиш керак (липели, аррали ва бошқа хил гарнитуралари барабанлар, риферлли цилиндрлар) Деталларга қуйилган монтаж белгилари учиб кетиши йуқолишига йўл қўйиб бўлмайди.


Агар бундай белгилар булмаса деталнинг ишламайдиган қисмига ажратишдан олдин белги қуйиш унга қараб кийиш осонлашади.

2. Деталларни тозалаш ва ювиш.

Машинани қисмларга ажратилгандан кейин уларни тозалаб зарур бўлса ювилади. Катта ўлчамли деталлар (рамалар, станиқа ва оставлар) чўтка билан кулда Механизациялашган, айланувчи чуткларда, қисилган ҳаво билан пудаё еки чангютгич ердамида ҳам тозаланади. Деталларда ички резбаларни резба

шаклида уралган учи уткир лотун сими билан тозаланади. Майда деталлар ҳам баъзан кулда пичоксимон асбоблар латта билан тозаланади. Бу усулда вақт кўп кетади, яхши тоза бўлмайди ва хона ифлосланиб кетади. Деталларни алоҳида хонада махсус асбоблар айланувчи металл чўткалар билан тозалаш самаралироқдир. Масалан йигирув жиҳозлари деталларини тозалаш учун махсус дастгоҳдан фойдаланиш мумкин. Унда шистериллер, шитоклар айланувчи барабанларга уралган жилвирлаш когозлари еки пардали лента ердамида тозаланади. Пўлат ва чўян деталлар намуглеродли пўлат симдан ясалган чўткада тозаланади. Латун симдан ясалган чўткада тозаланади. Деталларни темир кипиклардан зангдан тозалашда ва ювгандан кейин коладиган ифлосликлардан тозалашда фибракорда капрон кабеллардан ясалган чўтка ишлатилади. Ремонт устахоналарида оправкине кисилган механик айланувчи чўткалар кўп ишлатилади чўтканинг ташки диаметри 250-300 мм дан ошмайди, чўткаланган қисми кенглиги 40-60 мм айланиш тезлиги эса 3000-4500 об/мин (35-40 м/с).

Деталларнинг электромеханик усулда тозалаш яхши натижа беради, унумдорлик 2-3 баробар ортади. Бу усулда юқори частотали токда ишлайдиган аспхрон двигатель укига метал симдан йигилган чўтка (1) урнатилади. Унга трансформатор (2) дан халка (3) орқали ток берилади (мисграфитли чўтка орқали) трансформатордан чиққан иккинчи сим 4 тозаланадиган деталларга уланади.




Деталларни тозалаш қурилмаси

Чўтка айланганда у билан детал орасида учқунлар чиқади. Хар хил чанг ва кирлар учқун ердамида деталдан ажратилиб сўнг чўткани механик таъсирида деталдан супирилиб олинади. Деталларни тозалангандан кейин ювилади кўп холларда машина ремонт қилинаётган жойнинг узида деталларни керосин билан ювилади, лекин бу хонани ифлос қилиб юборади ва енгин чиқиши учун хавфли. Шунинг учун деталларни алоҳида белгиланган хоналарда ювиш керак детал ювиладиган идишлар тагига чуккан ифлосликлар деталга тегмаслиги учун тагига панжара куйилади. Бу усулда керосин латта сарфи

катта бўлади ваиш унуми паст. Латта урнига мой буюк чўткаси ишлатилса ҳам бўлади.

Деталларни бошқа бир усулда ювиш жараенида аввало уларга 1литр сувга 25 гр совун аралаштирилган суюқлик суркалади. Кейин ванна панжарасига терилади ваннага 45% керосин 35% скипидар 20% нашатир техник спирти аралашмаси деталларни кумадиган қилиб куйилади сўнг копкокни маҳкам беркитиб бир неча соат ушлаб турилади. Ундан кейин деталларни олиб тоза керосин билан ювиб курук латта билан артиб тозаланади. Бу жараеннинг камчилики шуки жараен узоқ давом этади ва аралашма суюқлик қимматдир. Ишкорларнинг сувли аралашмаларини иситиб унда деталлар ювилса бу жараен анча қулай ва арзон бўлади. Деталларни метал ванна 1 (а-рasm) панжараси 2 га жойлаштирилади, панжара тагига сувни пар ердамида иситадиган труба (най) 3 урнатади. Пулат вачўян деталларни ювилганда ишкорли сув ишлатилади. Унинг состави икки хил бўлади: 1) 1 л сувда уювчи натрий 10гр кальций сода 7,5гр фосфорнокислий натрий 13гр совун 2гр уювчи калий 23 гр углекислий натрий 6.5гр яшил совун 3 гр. Ишкорли сувнинг температураси 70-80 С булиши керак.



Ювиш ваннаси

Деталларни ваннада чўтка билан тозаланади. Марказдан қочма сув хайдайдиган насос 4дан фойдаланилса жараен тезлашади. Сув 5 труба орқали утиб 6 шланг деталга сепилади. Шиддат билан сепилган ишкорли сувда ювиш жараени анча тезлашади.

Алюминийли қотишмалардан тайерланган деталларни ювиш учун 4.5г/л углекислий натрий 1.3 г/л уювчи натрий 1.45 г/л фосфорли натрий 1г/л яшил совун аралашмаси ишлатилади. Деталларни ишкорли аралашмада ювилгандан сўнг ишкор қолдиқларини кеткизиш ва коррозиядан сақлаш мақсадида иссиқ сувда қайта ювилади. Ювиш юқори температурада бўлгани учун детал тезда қуриб қолади ва уларни артиш шарт эмас. 3-4 кам ерали конвейтор ювиш машинасида деталларни ювилганда сетка қорзинага солинган

деталлар камералардан утганда аввал 5-8 % ли киздирилган уювчи натрий аралашмасида ювилади(2та камерада) ва иссиқ ҳаво оқимида куригилади.(4 камерада)

